

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан 30 ноябрь куни амалий ташриф билан Дубай шаҳрига келди.

Аэропортда олий мартабали мекмонни БАА энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл ал-Мазруий кутиб олди.

Бўйича конференциясида иштирок этади ҳамда ушбу глобал саммит ялпи сессиясида нутқ сўзлайди.

амалга ошириш, бугунги экологик таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, "яшил" тараққиёт мақсад ва вазифаларини илгари суришда кенг ҳамкорлик масалалари ўрин олган.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁРАМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРГА ТАЛАФОТЛАРСИЗ ЕТКАЗИШ ТАРАФДОРИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 30 ноябрь-2 декабрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларига ташриф буюради ва Дубай шаҳрида БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси иштирокчиларининг 28-конференцияси (COP-28) доирасидаги Иқлим ўзгаришларига қарши курашиш соҳасидаги ҳаракатлар бўйича жаҳон саммитида иштирок этади.



Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ "НУРОНИЙ" ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛЛАРИНИНГ БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Сув — ҳаёт манбаи! Бу улғунг неъматни ота-боболаримиз азалдан эъзозлаб, ҳар томчисидан оқилона фойдаланишни қадрият даражасига кўтаришган. Барча неъматларнинг ҳисоби бўлганидек, оби-ҳаётнинг ҳам ўлчови бор!

Глобал иқлим ўзгаришлари ортидан сайёрамизда юзага келаётган экологик муаммолар сабабли сув ресурслари тақчиллиги хавфи ортиб бораётгани бугунги кунда нафақат Марказий Осиё ва мамлакатимиз, балки бутун дунё мамлакатлари учун ўта долзарб масалага айланди.

Жонажон Ўзбекистонимиз Амурдарё ва Сирдарё ораллигида жойлашган бўлиб, фойдаланиладиган сувнинг 80 фоизи қўшни мамлакатлар ҳудудида шаклланади. Глобал иқлим ўзгаришлари, минтақада ёғингарчилик миқдори йилдан-йилга камайиши сув ресурсларига ҳам таъсирини кўрсатмоқда. Бундан 30-35 йил олдин мамлакатимизда фойдаланиладиган йиллик сув миқдори 62-64 миллиард метр куб атрофида бўлган, ҳозирга келиб 51-52 миллиард метр кубга тушиб қолди. Агар вазият шу тарзда давом этса, яқин йилгирма йилда икки йирик дарё — Амурдарё ва Сирдарё оқими ҳозиргидан 15 фоиз

қисқариши, аҳоли жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоиз, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик 40 фоиз камайиб кетиши мумкин.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларида 2040 йилга бориб сув ресурсларига бўлган эҳтиёж уч баробар ошади.

Сув тақчиллиги оқибатлари Марказий Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни юзага келтириши муқаррарлигини ҳисобга олган ҳолда давлатимиз раҳбари нуфузли халқаро анжуманларда, республикамиз ҳудудларига ташрифлари чоғида сув масаласига алоҳида эътибор қаратиб, уни тежашга ва самарали фойдаланишга даъват этаётгани бежиз эмас.

Яқинда Сурхондарё вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда Президентимиз маҳалла фаоллари, нурунийлар, зйёллар ва кенг жамоатчилик вакиллари олдида сувдан тежамкорлик билан унумли фойдаланиш ғоясини аҳолига чуқур синдириш вазифасини қўйди ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган сув танқислиги муаммосига бугундан ечим излашга барчамизни сафарбар этди.

Қадрли ҳамюртлар!

Дунёда сув тобора камайиб боргани сайин аҳоли сони кўпайиб, сувга эҳтиёж ортомқда. Халқимизнинг тоза ичимлик сувга эҳтиёжини қоплаш учун жуда катта маблағ йўналтириляётгани ва қийинчиликлар эвазига сув таъминоти амалга ошириляётгани сабабли бу муаммони ҳали тўлалигича англаб етмаяпмиз. Шу сабабли аксарият одамлар кундалик эҳтиёжидан ортиқ сувни шунчаки жўрмақлардан оқизиб юбормоқда. Машина ва гилам ювиш шохобчаларида қанчадан-қанча тоза ичимлик сув исроф бўлмоқда.

Халқимизда "Тома-тома кўл бўлур", деган пурҳикмат нақл бор. Мамлакатимизда 36,5 миллиондан ортиқ аҳолининг ҳар бири бир литрдан сувни тежаса, бир ҳафта, ўн кунда қанча тежалишини ҳисоблаб кўринг.

Сувни исроф қилиш халқимиз келажаккаги ҳиёнат қилиш билан баробар эканини унутмайлик. Ўз уйимиз, оиламиз, маҳалламизда сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланайлик!

Давоми 2-бетда

ФОРУМ

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ПАРЛАМЕНТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси



Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда парламентларо ҳамкорлик бўйича II глобал форум бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталари аъзолари, хорижий мамлакатлар парламентлари раҳбарлари, парламентларо ташкилотлар, Ёшлар парламентлари, давлат органлари, халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, илмий тадқиқот муассасалари экспертлари тўғридан-тўғри ҳамда онлайн тарзда иштирок этди.

Форум аввалида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган муносабатини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўқиб эшиттирди.

Давоми 2-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ



Мустақкам тинчлик ва фаровонликка фақат умумий интилишлар ва биргаликдаги ҳаракатлар билан эришиш мумкин. Бизга ўзаро ишонч, бирдамлик ва ҳамкорлик руҳи ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур.

Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясидаги нутқидан

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАРИ минтақада ва дунёда тинчлик, барқарорликка даъват этади

Глобаллашув даврининг ғоят муҳим, шу билан бирга, ўта нозик кўриниши шундаки, бу жараёнда мамлакатлар ўзаро боғлиқликда ривожланишга кучли эҳтиёж сезади. Бунда давлатларнинг ташқи сиёсати фаолалиши талаб этилади. Энг муҳими, хоҳ ташқи, хоҳ ички сиёсат бўлсин, бирор қарор қабул қилиш ёки қандайдир ташаббусни илгари суриш халқаро миқёсда акс садо бериши, ҳатто турли зиддиятларга олиб келиши ҳам ҳеч гап эмас. Фикримизга дунё узра нотинчлик кўтқуси кезиб юрган шу кунларда ўнлаб мисолларни асос қилиб келтириш мумкин.

Биз бежиз бу ҳақда гап бошламадик. Бугунги дунё тобора таҳликали тус олмоқда. Давлатларо муносабатларда узаро ишончсизлик кайфияти кузатиляётган шароитда дунёда тинчликни сақлаш, биргаликда ривожланишга эҳтиёж ортиб бораётгани ҳам аён ҳақиқат. Ана шу истак ва табиий эҳтиёж инсониятни турли таҳдид ва фожиялардан асраб қолиши чин қиёфа касб этиб бораётган замонамизда Ўзбекистоннинг дунёвий ва минтақавий ташаббуслари ҳақида тўхталишни жоиз билдик.

Давоми 3-бетда

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

ҲАЁТИЙ ҚУДРАТ РУҲИ

ортга қайтмас ислоҳотларнинг мустақкам пойдевори

Ҳазрат мир Алишер Навоий беш аср аввал инсон ва унинг кадр-қиммати ҳақида дунёнинг бино бўлмоғидан асл муддао инсон эканлиги ҳақида қуйидагича ёзди: Ганжинг аро нақд фаровон эди, Лек боридин ғараз инсон эди. Ҳар қандай давлатнинг Конституцияси марказида инсон ва унинг манфаатлари туради. Яъни Асосий қонуннинг пировард мақсади ИНСОНга хизмат қилишидир.

Инсон ва унинг манфаатлари том маънода олий қадрият даражасида бўлишида Конституция, ҳуқуқ устуворлиги таъминланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Соҳибқирон Амир Темуру давлатни идора қилишда қонунларнинг ҳаётий кучини қуйидагича изоҳлаган: "Яна тажрибада куриб билдимки, давлат агар дини ойин (тартиб) асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади".



Давоми 3-бетда

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

ИМТИЁЗ, ИМКОНИЯТ, РАҒБАТ эртанги тараққиётнинг бугунги тамал тоши

— Ўқишга киришим осон бўлмади. Олий маълумот олиш учун 13 йил уриндим. Шунча йил омад кулиб бокмади. Бу орада "Медтехника Гулистон" МЧЖда кадрлар билан ишлаш бўлимида фаолият юритдим. Соҳам бўйича анча тажриба орттирдим. Гарчи ишимни яхши удаллаб келаятган бўлсам-да, кўнглимнинг бир бурчида олий маълумотли эмаслигим ўкинчи турар, ОТМга ўқишга кириш етиб бўлмас оруздек эди. Шу боис, ўз устимда ишлашни қанда қилмадим.



Давоми 5-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “НУРОНИЙ” ЖАМФАРМАСИ ФАОЛЛАРИНИНГ БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА МУРОЖААТИ

Бошланиши 1-бетда

Хурматли нурунийлар!

Сиз ҳаётнинг оғир синовларини бошдан кечириб, умрнинг доншманд фаслига етдингиз. Исроф қилинган ҳар бир неъматнинг бадали ҳаётда аччиқ оқибатларини кўрсатишини яхши биласиз.

Сизларнинг ҳаётий тажрибанингиз, дуо ва тилақларингиз халқимиз учун ҳамisha катта таянч ва суянч бўлиб келмоқда. Бугун ҳар бир маҳалла, ҳар бир оилага кириб, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш борасида тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтирайлик!

Халқимиз обихаётни азал-азалдан муқаддас ҳисоблаб, уни асраб-авайлаган. “Сувдек сероб бўлинг”, “Сувдек азиз бўлинг”, деган эзгу ниятлар шу улуг қадрият натижасида пайдо бўлган. Ота-боболаримизнинг бу улуг қадриятини ёшларга тушунтиришда фаол ва ташаббускор бўлайлик!

“Кўш уясиди қўрганини қилади” деган нақл бежиз айтилмаган. Болаларимиз, неварачевларимиз оилада ҳар бир ишни биздан кўриб ўрганади. Шундай экан, **сув ва бошқа неъматларни қадрлаш, тежам ишлаши зарурлигини оилада, дастурхон атрофида фарзандларимизга тушунтирайлик!**

Қадрли маҳалла фаоллари, азиз ота-оналар!

Умумдор ва серҳосил экинзорларимиз, бол тула болғаримизнинг гуллаб-яшнашида, ҳаётимиз фаровонлигида энг муҳим омил бўлган сувнинг ҳар бир қатрасини асраб-авайлаш ҳаёт давомийлигини таъминлаш билан баробар!

Муқаддас динимизда ҳам сув энг улуг неъмат экани, унинг исроф қилинган ҳар бир томчиси учун ҳисобикитоб муқаррарлиги эслатилган. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидеги 2 миллиарддан зиёд аҳоли сув танқислигидан азоб чекимоқда. БМТ маълумотларига кўра, қарийб 1,5 миллиард аҳоли тоза ичимлик сувдан бебахра қолмоқда.

Ортимизда эса аҳолига сув етказиб беришда давлатимизнинг қанчадан-қанча маблағи сарфланаётганини, қанчадан-қанча мутахассислар бу йўлда хизмат қилаётганини оилада, мактабда ва ҳатто бочча ёшидан бошлаб ёш авлодга тушунтирайлик!

Шу билан бирга, ҳашарлар уюштириб, худудимиздан ўтган ариқлар, сув йўллари атрофини ободонлаштиришга ҳисса қўшайлик.

Хурматли фермерлар, миришкор боғбонлар ва деҳқонлар!

Мамлакатимизда жами сувнинг 90 фоизи қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ишлатилади, 4 фоиздан коммунал мақсадларда, қолган қисмдан саноат ва бошқа йўналишларда фойдаланилади. Сув йўқотишларининг энг катта қисми айнан қишлоқ ҳўжалиги соҳасига тўғри келади. Юртимиздаги сўғориш тармоқларининг ярми бетонланмаган, яъни тупроқ ўзанли ариқ ва каналлардан иборат бўлгани сабабли катта миқдорда сув йўқотишмоқда.

Республикамиздаги сўғориларидиган майдонларнинг 60 фоиздан ортиқ қисмига 1680 дан зиёд нарос станцияси ва 4 мингдан ортиқ сўғориш қудуғи орқали жуда катта маблағ ва саъй-ҳаракатлар эвазига сув етказиб берилади. Сув ҳўжалиги соҳасига ажратилган 10 триллион сўмнинг 63 фоизи насос станцияларининг электр энергияси харажатларига сарфланмоқда, яъни давлат бюджетидан ажратилаётган катта маблағ ва машаққатлар эвазига экин далаларига етиб борапти. **Ушбу маълумотлардан аён бўладики, сув текин эмас, ҳатто арзон ҳам эмас!**

Шундай қийинчиликлар билан етказиб берилаётган сув билан томоқлар ва экин далалари қўлла-тибиб, зовурларга оқиб қўйилаётган ҳолатларга дуч келганимизда кўз юмиб ўтиб кетаверишимиз она Ватанинг гуллаб-яшнаши ва ривожланишига бефарқлик ва катта гуноҳ эканини халқимиз онгига сингдирайлик!

Бугунги кунда мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни жорий этганларни давлатимиз қўллаб-қувватлаб, субсидиялар ажратмоқда. Тежамкор технологияларга ўтаётганлар сони йилдан-йилга кўпайиб борапти. Айниқса, томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет усулда сўғориш, ерни лазер ускунасида текислаш омалашмоқда. Тежовчи технологияларни қўллаш орқали фермерлар, деҳқонлар, кластер эгалари нафақат сувни тежаяпти, ҳосилдорлик ошиши ҳисобига яхшигина даромад ҳам кўряпти.

Уста деҳқонлар яхши биладикки, томчилатиб сўғориш — далага эмас, усимликка сув бериш дегани. Маблағ тежалади. Анъанавий сўғоришда ўғит сувда оқиб, зовурларда қамши ўсишини кўпайтиратган бўлиб, томчилатиб сўғоришни жорий қилган фермерлар айнан экинларга сув ва ўғитни бир хил етказиб бериш ҳисобига бир неча баробар ортиқроқ ҳосилдорликка эришмоқдалар.

Сиз ҳам илғорлар сафига қўшилини! Халқимизда “Сув зар — сувчи заргар”, деган ибора бежиз айтилмаган. Қишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштиришда заргарона маҳорат билан сувдан унумли фойдаланини! Тежамкорликнинг замонавий усулларидан фойдаланиб, бир қатра сув беҳуда сарф бўлишига йўл қўйман! Тежамкорликда бошқаларга намуна бўлинг.

“Отанг мироб бўлса ҳам аригинги чуқур қазгин”, деган ариқча амал қилиб, ишни куз-қиш мавсумида ўз худудингиздаги ички ариқларни тозалаш ва бетонлашдан бошланг!

Азиз ёшлар! Сизлар янги Ўзбекистоннинг бунёдкор кучисиз! Халқимиз қўзлаётган юксак марраларга эришишда ақл-заковатингиз, ғайрат-шижоатингиз, она Ватанга бўлган садоқатингиз беқийсиз.

Президентимиз сув тақчиллиги муаммосига тўхталиб, бу борада билим энг муҳим омил эканини қайта-қайта таъкидламоқда. Сув тақчиллигининг олдини олиш, табиий ресурслардан тежамкор усулларда самарали фойдаланиш бўйича замонавий биллилар асосида ташаббускор бўлинг! Келгусида мамлакатимизда сув танқислиги билан боғлиқ муаммолар юзага келмаслиги учун бугундан ҳаракат қилинг, ҳар бир қатра сувни тежам ишла-тин! Бу борада тенгдошларингиз орасида ташаббус кўрсатинг!

Қадрли ҳамюртлар!

Ҳар биримиз бир қатраси тиллодан ҳам қиммат сувни тежар эканимиз, бу мамлакатимиз иқтисодидеги, халқимиз фаровонлигида, эл-юртимиз равнақида, фарзандларимизнинг келгуси бахтли-саодатли ҳаётига қўшаётган энг хайрли улушимиз бўлади. Сув текин эмаслигини, обихаётни исроф қилиш халқимиз келажакига хиёнат қилиш билан баробар эканини унутмайлик!

Сув ҳаёт манбаи экан, ҳар биримиз фарзандларимиз келажак олдидеги маъсул эканимизни ёдда тутайлик! Сувнинг бебаҳо неъмат экани барча шаҳар ва қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз, ўқув юртларимизда ёшлар онгига чуқур етиб бориши учун тушунтириш ва тарғибот ишларини бир лаҳза ҳам тўхтатмайлик!

Қайта-қайта такрорланган бўлса-да, бир нарсани унуттишга ҳаққимиз йўқ: сув — энг улуг неъмат. **Ундан тежамкорлик билан фойдаланиш, ҳар бир томчисини асраб-авайлаш бугунги авлоднинг келажак олдидеги маъсулияти ва бурчидир!**

ФОРУМ

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА ПАРЛАМЕНТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси

Бошланиши 1-бетда

Форумда қайд этилганидек, Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича мутлақо янги механизм жорий этилди, ҳуқуқий ва институционал ислохотлар амалга оширилди. Глобал барқарор ривожланиш мақсад ва вазифалари ҳамда уларнинг индикаторлари миллий ҳусусиятларимиздан келиб чиқиб қайта ишланди. Парламентда миллий мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилишини назорат қилиш комиссияси тузилди. Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда “парламент — ҳукумат — фуқаролик жамияти институтлари” концепцияси яратилди. Бу билан БРМга эришишда манфаатлар мувозанатининг самарали механизми шакллантирилиб, соҳада парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Президентимиз ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги резолю-

цияси ҳамда миллий мақсадлар доирасида олиб борилаётган ислохотларга алоҳида эътибор қаратилди.

Парламентлараро иттифоқ Бош Котиби Мартин Чунгон видеомурожаатида Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда парламентлараро ҳамкорлик бўйича II глобал форум юқори даражада ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирди. Қўрилаётган масалалар, улардан келиб чиққан тақлиф ва ҳулосалар парламент ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига ижобий таъсир қилишини қайд этди.

Анжуман иши “2030 йилги Глобал кун тартибини самарали амалга оширишга қўмаклашишда парламент ва парламентлараро ҳамкорликнинг роли”, “БРМга эришиш ҳараёнини тезлаштиришда гендер масалаларга йўналтирилган ва ёшлар сиёсати” ҳамда “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини амалга оширишда парламент ва фуқаролик жамияти уртасидаги ўзаро ҳамкорлик” мавзуларидаги учта сессия доирасида ташкил этилди. Биринчи сессияда иштирокчилар 2030 йилги кун

тартибини амалга ошириш, жумладан, Ўзбекистон ташаббуслари ва ривожланиш истиқболларини, иккинчи сессияда эса парламент жараёнларида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришда миллий парламентнинг ролини муҳокама қилдилар.

Учинчи сессия кун тартибидан Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришишда парламент ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда нодавлат нотижорат ташилотларнинг ихтиёрий миллий ҳисоботлар ва муқобил маърузалар тайёрлашдаги иштироки каби масалалар жой олди.

Бундан ташқари, тадбир давомида мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар ташаббуси билан илгари сурилаётган БМТ Бош Ассамблеясининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш тўғрисидаги резолюцияси лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Форум якуни бўйича Тошкент коммоникесига қабул қилинди.

Сўз халқаро форум иштирокчиларига:

Рам АЕР, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили:

— Бундан икки йил олдин Самарқандда ўтказилган илк форумда муҳим ташаббуслар илгари сурилиши билан бир қаторда ўтган даврда уларни ҳаётга татбиқ этиш, парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди. Муҳими, парламентлар БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқаришда фаоллик кўрсатаётди. Бугунги иккинчи глобал форум иштирокчилари ўз фаолияти давомида амалга ошираётган ишлари ҳақида

маълумот бериш билан бирга, ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлди.

Таълим тизими самардорлигини ошириш, айниқса, инклюзив таълимга эътибор, камбағалликка барҳам бериш бўйича муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилди. Буларни амалга ошириш одамлар манфаатига хизмат қилади. Мана шундай хайрли мақсадларни биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Таълим ривожда нанотехнологиялардан кенроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.



Гулнора МАЪРУФОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси:



— Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлардаги фаоллиги, айниқса, қарорлар қабул қилишдаги тўлақонли иштироки — жамият барқарорлиги ҳамда ислохотлар муваффақиятининг муҳим омилли. Шу нуктаи назардан, янги Ўзбекистонни барпо этишда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Мазкур йўналишдаги барча ислохотларимиз Барқарор ривожланиш

мақсадлари билан ҳамроҳанг бўлиб, уларга эришишнинг 32 та гендер кўрсаткичи қабул қилинган.

Авалло, гендерга оид ҳуқуқий пойдевор мустаҳкамлашиб, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қамқолатилари ҳамда хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилишга оид 2 та алоҳида қонун қабул қилинди. Шунингдек, Сенат қарори билан 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилиниб, 60 дан зиёд мақсадли индикатор белгилаб олинди.

Бундай эътибор ва имкониятлар натижасида бугун Ўзбекистон аёллари ҳар жабҳада ўз ўрни ва овозига эга бўлиб бормоқда. Давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш бўйича дастур қабул қилингани бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш имконини бермоқда. Ушбу дастур доирасида аёлларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш ва илгари суриш тизими яратилди. Бу борадаги ишларимизнинг амалий натижаларини рақамлар ҳам тасдиқлайди. Агар 2017 йилда хотин-қизларнинг бошқарув соҳасидаги улуши 27 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 35 фоизга етди.

БМТнинг Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисидаги резолюциясида ҳам хотин-қизларнинг қонун чикарувчи органлар ишида, парламент жараёнларида тўлиқ тенг ҳуқуқли ва таъсирчан иштирокига қўмаклашиш, гендер тенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги анжуман ушбу йўналишда мавжуд муаммо ва аниқ тақлифларни муҳокама қилиш, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни мувофиқлаштириш учун яхши имконият бўлди. Ўзаро мулоқотларда жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аёлларга нисбатан таълим ва зўравонликка нисбатан муроосазлик муҳитини яратиш каби масалалар ҳусусида фикрлашди. Бу борада уртга ташланган фикр-мулоҳазалар, мақбул ечимлар хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини янада кучайтириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлашда катта натижаларга эришишимизга хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁРАМИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРГА ТАЛАФОТЛРСИЗ ЕТКАЗИШ ТАРАФДОРИ

“БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси платформасининг бутун дунё, жумладан, Марказий Осиё минтақаси ва Ўзбекистон учун аҳамияти, шубҳасиз, жуда муҳим. Дубайда бўлиб ўтадиган тадбирнинг қўлама нафақат иштирокчилар сони (80 мингдан ортиқ киши), балки муҳокама қилинаётган муаммоларнинг глобаллиги билан ҳам белгиланади.

Бошланиши 1-бетда

Ушбу тадбирдан қўзланган мақсад глобал иқлим ўзгариши, унинг оқибатларига қарши курашиш, Париж келишуви қабул қилингандан кейин эришилган ютуқларни баҳолаш ва сарҳисоб қилиш масалаларини муҳокама этишдан иборат.

Саммит дастуридан давлат ва ҳукумат раҳбарлари учун юқори даражадаги учрашувлар, озиқ-овқат, энергетика, ёшлар ва таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳит, сув, иқлимни молиялаштириш ва COP-28 ни амалга оширишга бағишланган тадбирлар ҳамда давра сўхбатлари ўрин олган.

Анжуманда 150 дан ортиқ мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, вазирлар даражасидаги делегациялар, халқаро тузилмалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, экспертлар, илмий ва жамоат доиралари вакиллари иштирок этиши режалаштирилган.

БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси 1992 йилда қабул қилинган бўлиб, у дунёнинг деярли барча давлатини қамраб олган. Киото протоколи ва Париж келишуви БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси асослари ва ривожланиши бўйича қабул қилинган ҳужжатлардир.

Ўзбекистон 1993 йил 20 июнда бу конвенцияга қўшилган, 1999 йилда Киото протоколени ратификация қилган. 2017 йилда Париж битимини имзолаш орқали Ўзбекистон, жумладан, 2030 йилгача ялли ички маҳсулот бирлигига иссиқхона газлари эмиссиясини 2010 йилги даражадан 35 фоиз камайитириш бўйича асосий мажбуриятларни зиммасига олди.

БМТ ҳадли конвенцияси иштирокчиси сифатида Ўзбекистон иқлим бўйича мунтазам ҳисоботлар тайёрлайди ва конвенция котибиятига тақдим этади. Шунингдек, миллий маъруза, икки йиллик ҳисоботлар, мослашмиш режалари, миллий миқёсда белгиланган бадалларни ишлаб чиқади ва янгилайди.

Айни пайтда иқлим ўзгариши бўйича Ўзбекистоннинг сунги беш йилда иқлим ўзгаришига қарши курашиш борасидаги фаолиятини акс эттирувчи тўртинчи миллий маърузасини тайёрлаш ишлари якунланмоқда. Бугунги кунда дунё иқлим ўзгариши, биологик хилма-хиллик йўқолиши ва сайёрамиз ифлосланиши оқибатларига дуч келаётган, Марказий Осиё минтақаси эса глобал исмиш оқибатларини тобора кўпроқ ҳис қилаётган бир пайтда Ўзбекистон атроф-муҳит, қишлоқ ва сув



ҳўжалиги соҳасидаги сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқди.

Хусусан, Ўзбекистонда экологик муаммоларни ҳал этиш, биохилма-хилликни сақлаш ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича қатор концептуал ҳужжатлар тасдиқланди. 2030 йилгача “яшил” иқтисодиётга ўтиш бўйича стратегия, 2030 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси, 2028 йилгача қаттиқ маийш чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси, 2028 йилгача биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси шулар жумласидандир. Умуман олганда,

Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган иқлимий ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар кучайишининг олдини олиш мақсадида Оролбўйидаги 1,8 миллион гектар майдонга чўл ўсимликлари уруғи ва кўчатлари экилмоқда. 2030 йилгача ушбу худудда 2,3 миллион гектар майдонни кўкаламзорлаштириш режалаштирилган.

республикада табиатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги 40 дан ортиқ қонунни ўз ичига олган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилган.

Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган иқлимий ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар кучайишининг олдини олиш мақсадида Оролбўйидаги 1,8 миллион гектар майдонга чўл ўсимликлари уруғи ва кўчатлари экилмоқда. 2030 йилгача ушбу худудда 2,3 миллион гектар майдонни кўкаламзорлаштириш режалаштирилган. Шу билан бирга, иқлим муаммолари трансчегаравий ҳусусиятга эга эканини тўғри англаган Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасини иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва унинг оқибатларига мослашиш-

фожиаси оқибатлари ва вазиятни юмшатиш бўйича мутасадди идоралар томонидан қўрилаётган чора-тадбирларга алоҳида тўхталиб, БМТнинг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозимини таъсис этиш ва “Марказий Осиё иқлим мулоқоти”ни жорий этишни тақлиф қилди.

Президентимиз БМТнинг Чўлланишга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси ижросини кўриб чиқиш қўмитасининг 13-17 ноябрь кунлари Самарқандда илк бор ўтказилган 21-сессияси иштирокчиларига йўллаган мурожаатномасида Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси иқлим ўзгаришининг салбий таъсири ва улар келтириб чиқарадиган ижтимоий, экологик муаммоларнинг оғир оқибатларини тўлиқ ҳис қилишини яна бир бор қайд этди. Шу нуктаи назардан, давлатимиз раҳбари халқаро экспертлар ҳам-жамиятини Ўзбекистоннинг кум ва чанг буронлари бўйича Самарқанд декларациясини қабул қилиш ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қақирди.

Бир сўз билан айтганда, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси платформасининг бутун дунё, жумладан, Марказий Осиё минтақаси ва Ўзбекистон учун аҳамияти, шубҳасиз, жуда муҳим. Дубайда бўлиб ўтадиган тадбирнинг қўлама нафақат иштирокчилар сони (80 мингдан ортиқ киши), балки муҳокама қилинаётган муаммоларнинг глобаллиги билан ҳам белгиланади.

Ўзбекистон Президентининг маъмур тадбирида иштирок этиши мамлакатимизнинг “яшил” ўсиш ва ривожланишига содиқлигини, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга тайёрлигини ҳамда Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси, Киото протоколи ва Париж келишуви мақсадларига эришиш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ бажаришини яна бир бор тасдиқлайди.

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

“Давлат хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари жамоатчиликнинг доимий эътиборида бўлишига гувоҳ бўлганмиз. Халқимизда “Тарбия — оиладан бошланади”, деган нақл бежиз айтилмаган.

ҲАЁТИЙ ҚУДРАТ РУҲИ

Ортга қайтмас ислохотларнинг мустаҳкам пойдевори

Сардорбек ЮСУПОВ, юридик фанлар доктори

Бошланиши 1-бетда

Жорий йил мамлакатимиз тарихида халқимиз биринчи марта референдум асосида “Бу — менинг Конституциям”, деган гуруҳ билан янгиланган Бош қонунни қабул қилди. Бу, ўз навбатида, халқимизнинг ортага қайтмас тус олган кенг кўламли ислохотларга катта ишонч билан қараётганини намойиш этди. Энг асосийси, янги тахрирдаги Конституциямиз давлатчилик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш ҳамда халқимиз орзу-умидларини амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратди.

Аҳолининг Конституцияга доир муҳим билимларни эгаллаши, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги тушунчалар мазмун-моҳиятини англаб етиши, талқин қила олиши ҳамда улардан тўғри фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши ҳар қачонгидан кўра, бугун янада муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис, халқимиз иродаси асосида янгиланган Конституциянинг туб моҳиятини тарғиб этишга қаратилган ишларни янги поғонага олиб чиқишда инновацион усуллардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича яқинда қабул қилинган фармойиши бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда. Фармойишда Конституция куни муносиб кутиб олиш ва юксак савияда нишонлаш, демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғоялари атрофида фуқароларни жипслаштириш, “Конституция — халқлик давлат, барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт асоси!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий ҳамда маънавий-маърифий



Галдаги устувор вазифа Асосий қонунимиз нормаларининг давлат органлари фаолиятида муҳим қоидага айланишига эришишидир, десак муболаға бўлмайди. Юртимизда давлат хизматида ишга қабул қилиш ва кадрлар сиёсати масаласида янги тизим жорий этилганини барчамиз кўриб турибмиз. Лекин давлат хизматчиларини танлашда Конституцияга оид фундаментал билимларни билиш бўйича талаб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Конституция билан мустаҳкамланган инсон манфаатлари олий қадрият саналиши ҳамда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экани айнан давлат хизматчилари фаолиятида, ўзини тутишида, хатти-ҳаракатида ўз аксини топиши керак.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши тарбия ва муҳит билан бевосита боғлиқлигидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, аввало, мансабдор шахслар қонунга сўзсиз риоя этиши ва бу борада намуна бўлиши лозим. Бунинг учун давлат хизматчилари онг шуурига Конституцияда инсон энг муътабар мулкига қўйилган, давлат органлари ҳамда мансабдор



тадбирларни самарали ташкил этиш кўзда тутилган.

Янги тахрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат хизматида киришда тенг ҳуқуққа эгаллиги белгилангани давлат хизматчиларини танлаш, уларни ривожлантириш ва лавозим пиллапояларида юқорилаб боришининг янги конституциявий маконини вуҷудга келтирди. Яъни мазкур конституциявий норма давлат хизматидаги таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш каби иллатларга бутунлай барҳам бериб, замонавий билимга эга, салоҳиятли кадрларнинг очиб ва шаффоф танлов тизимини орқали давлат хизматида киришига замин яратди. Зотан, адолатли танлов асосида лавозимни эгаллаган ва ҳалол меҳнати билан халққа хизмат қиладиган давлат хизматчилари корпуси мамлакат ва жамиятнинг ривожланиш курсини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Давлат хизматида киришда барча фуқароларга тенг шарт-шароитлар яратиш орқали кадрларни маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш бекор бўлди. Шунингдек, кадрларнинг билим ва салоҳиятини замонавий услублар асосида баҳолаш йўли билан энг муносибларни давлат хизматида жалб қилиш имконияти яратилди.

Давлат хизмати тизимига салоҳиятли кадрларни кенг жалб қилиш орқали давлат бошқаруви самардорлиги ва барқарорлигини таъминлашга шариоит яратилди. Алоҳида таъкидлаш кераки, Конституциянинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, унинг ҳаётий кучини юксалтиришда конституционализм ва ҳуқуқ устуворлиги соҳасида бошланган ишларни изчил давом эттириш кутилган самараларни беради.

Конституцияга давлат фуқаролик хизматчилари тўғрисидаги қоидалар киритилиши мамлакатимизда профессионал ходимлар фаолиятига эътибор юқори даражада эканини билдиради.

дор шахслар ўз ваколатини халқдан олиши ва жамият ҳамда фуқаролар олдига масъул эканини қадрият сифатида сингдириш талаб этилади.

Сир эмаски, мансабдор шахсларнинг Конституция принциплари ва қоидаларига зид хатти-ҳаракатлари давлат хизматида бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, амалда фаолият юритаётган давлат хизматчиларининг Конституцияга оид энг зарур билимларини мунтазам равишда ошириб бориш жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда давлат хизматчиларига Бош қонунга оид фундаментал билимларни инновацион усулда етказиш бўйича қисқа курсларни изчил асосда ташкил этиш лозим.

Бундан ташқари, давлат хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари жамоатчиликнинг доимий эътиборида туришига гувоҳ бўлганми. Халқимизда “Тарбия — оиладан бошланади”, деган нақл бежиз айтилмаган. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий роликлар, инфографикалар, ҳаётий мисоллар каби таъсирчан воситалар асосида Бош қонунимизнинг мазмун-моҳиятини давлат хизматчиларига етказиш жуда долзарб аҳамиятга эга. Ушбу чора-тадбирлар бугунги кунда ижтимоий тармоқлар ва ОАВ орқали мансабдор шахслар оила аъзоларининг давлат ва жамиятда ўрнатилган қоидаларни менсимаслик каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Давлат хизматчилари ўртасида Конституция мазмун-моҳиятига оид инновацион конкурс, викторина ва танловларни мунтазам ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу танловларда галиб бўлган давлат хизматчиларини халқимизга таништиш ва ҳуқуқий маданияти юксак бўлган мансабдор шахслар тажрибасини омалаштириш ижобий натижа бериши мумкин.

Уильям Шекспир ёзгандек, “Қонунлар мазмуни инсонни қадрлашдир”. Шу маънода, янги Ўзбекистонда амалга оширилган кенг кўламли конституциявий ислохотлар инсоннинг олий қадрият сифатида қадр топишига ҳаётий қудрат беришига асосий омил бўлишига шубҳасиз.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАРИ

минтақада ва дунёда тинчлик, барқарорликка даъват этади

Кутбидин БУРХОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бетда

Аввало, таъкидлаш кераки, давлатларнинг суверен тенглиги ва ҳудудий яхлитлиги принциплари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига асосланган тинчликпарвар ташқи сиёсат юритиш янги Ўзбекистон миллий тараққиёт йўлининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу кейинги йилларда мамлакатимизда қатор нуфузли халқаро тузилмалар доирасида ўтган анжуманлар ва давлат раҳбарлари билан учрашувларда илгари сурилган ташаббуслар ва уларнинг халқаро ҳамжамият томонидан қизгин қўллаб-қувватланаётганига яққол кўзга ташланади. Ўзбекистоннинг кўп қиррали дипломатияси ҳамда халқаро хавфсизлик ва минтақавий ривожланишнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш юзасидан билдираётган тақдирлари шулар жумласидандир.

Бу жараёнда нафақат Ўзбекистонда тинчлик муҳити ҳукмрон бўлиши, балки умумий хавф-хатар ва таҳдидларга вақтида ва биргалликда жавоб қайтариш, давлатлараро мустаҳкам дўстлик ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, глобал иқлим ўзгаришига қарши чоралар кўриш каби масалалар ҳам ўртага ташланяпти.

Хусусан, Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида илгари сурган ташаббуслари асосида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви йўлга қўйилди. Тошкентда Афғонистон бўйича халқаро конференция ташкил этилди. БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлигини таъминлаш ва минтақавий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир ҳамда “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган резолюцияларни қабул қилинди. БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама траст жамғармасига асос солинди.

Ўзбекистон томонидан Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш бўйича билдирилган тақлиф асосида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси қабул қилиниши халқаро даражада илгари сурилётган ташаббусларнинг амалий натижаси бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон 2020 йилда илк бор МДҲ раислигини қабул қилди.

Юртимизда кечаётган жиддий модернизация ва ислохотлар жараёни ШҲТ доирасидаги фаолиятида ҳам янги даврни бошлаб берди. Ўзбекистон бир неча бор ШҲТга раислик қилган. Аммо тузилманинг 2022 йилда Самарқандда бўлиб ўтган саммити дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган ўзига хос тарихий эврилиш палласига тўғри келгани билан аҳамиятли бўлди.

Ўзбекистон ШҲТга раислик қилишдек масъулиятли вазифани зиммасига олган, асосий эътиборини ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб ва ҳар бир иштирокчи мамлакатининг фойдаланилмаган резервларини ишга солиш орқали ташкилотни жадал ривожлантириш стратегиясига қаратади. Бу борада Ўзбекистон томонидан билдирилган тақлифларда нафақат ташкилотга аъзо давлатлар учун манфаатли жиҳатлар, шунингдек, қўшни Афғонистонда ҳам тинчлик, осойишталик ва барқарор иқтисодий ривожланиш тенденциялари устувор бўлиши инобатга олинди.

Президентимиз ўз нутқида бу борада қўйидаги фикрларни билдирди: “Шуни таъкидлашни истардимки, афғон халқи яхши кўшничлик ёрдамида ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтождир. Биз ўтмишдаги хатоларни такрорламаслигимиз ва Афғонистонни унинг муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслигимиз лозим”.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқиш стратегияси ва ташаббуслар сабаб бугун Ўзбекистонга қаратилган нигоҳ олдинчилардан мутлақо фарқланади. Бу, ўз навбатида, дунё халқлари ва давлатлар ўртасида дўстлик, қардошлиқ ришталари мустаҳкамланишига замин яратмоқда. Буни биргина Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотига тўлақонли аъзо бўлишида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон ТДТга шунчаки аъзо бўлмади. Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкилотга янги ном ва ўзгара руҳ кирди. Президентимиз Туркий



давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг жорий йилда Қозоғистонда ўтган мажлисида ҳам кўп томонлама ва узоқ мuddатли алоқаларни янада кенгайтиришга қаратилган қатор тақлифларни илгари сурди.

Хусусан, ташкилот доирасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва очиклик тамойилларини мустаҳкамлаш, биргалликда турли тўсиқларни самарали енгиб ўтишни бош мақсад қилиб белгилаш, туркий халқлар бирдамлигини, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадриятларини ифода этадиган “Туркий дунё хартияси”ни ишлаб чиқиш тақлиф этилди.

Президентимизнинг туркий халқлар оиласи биллигини мустаҳкамлаш, туркий мамлакатлар манфаатлари ва қарашларини халқаро майдонда фаол илгари суришга қўшаётган ана шундай улкан ҳиссаси алоҳида эътироф этилади, “Туркий дунёнинг олий ордени” билан тақдирлангани барчамизни ниҳоятда руҳлантирди.

Халқаро ҳамкорлик доирасидаги ишларга тўхталар эканмиз, бу борада жорий йилда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг юртимизда илк маротаба ўтказилган 16-саммити ҳам аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари мазкур ташкилот саммитларида мунтазам иштирок этиб, умуминсоний ривожланишга хизмат қиладиган кўпгина тақлифлар билдирмоқда. Ун олтинчи саммитдаги нутқида ҳам қатор муҳим ташаббуслар ва фикрларни билдирди. Хусусан, саммит умумий тараққиёт йўлида кўп томонлама ҳамкорлигини кенгайтиришга қатъий интилишнинг аққол датида эканини таъкидлади. Ўз навбатида, ўтган вақт домида нафақат мамлакатлар ўртасида эришилган ижобий натижалар, шунингдек, ҳали



амалга оширилиши зарур бўлган масалаларга тўхталди ва уларнинг ечим сифатида янги тақлифларни илгари сурди.

Хусусан, ИҲТ доирасидаги ҳамкорликка янги суръат бағишлаш мақсадида “Иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик мақсадлари — 2035” концептуал ҳужжатини ишлаб чиқиш, унда ўзаро савдони рағбатлантириш, транспорт-коммуникациявий ўзаро боғлиқлигини кучайтириш, саноат кооперациясини фойдалантириш, энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, туризм ва маданий-гуманитар алоқаларини янада ривожлантириш, янги-янги лойиҳаларни биргалликда амалга оширишга қатъий интилишнинг аққол датида эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, товар ва хизматлар савдосини енгиллаштириш, техник ва нотариф тўсиқларни бартароф этиш, божхона, фитосанитария ва ветеринария тартиб-қоидаларини рақамлаштириш, электрон савдони ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган Савдони соддалаштириш тўғрисидаги битимни

қабул қилишга қақирди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу чора-тадбирлар орқали 2035 йилга бориб, ўзаро савдо ҳажмини камида икки баробар кўпайтириш мумкин.

Ўзбекистон ўтган вақт давомида халқаро молия институтлари ва савдо ташкилотлари — Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Жаҳон савдо ташкилоти ва бошқалар билан ҳамкорлигини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратди ва ҳозир ҳам ушбу ҳаракатлар жадал давом этмоқда. Шу ўринда Европа тиклини ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик тиклангани

мустаҳкамлаш икки мамлакатнинг узоқ мuddатли манфаатларига мос экани қайд этилди.

Италия Президенти Сержо Маттарелланнинг Ўзбекистонга ташрифи ҳам ушбу йилдаги муҳим сиёсий воқеалардан бири бўлди. Ташриф доирасида икки томонлама стратегик шериклини ва устувор йўналишлардаги кўп қиррали муносабатларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сержо Маттарелла ҳам мамлакатимиздаги ортага қайтмас ислохотларни қатъий қўллаб-қувватлашни алоҳида таъкидлади ҳамда юртимизнинг Марка-



муҳим воқеа бўлди. Бунинг натижасида мамлакатда қатор ижтимоий лойиҳаларни ҳам молиялаштириш имконияти таъминланди.

Жадал ҳамда ортага қайтмас тус олган бу каби ислохотлар дунёнинг ривожланган давлатлари эътиборида бўлиб, ўзаро алоқаларини янги босқичга чиқишга пойдевор бўлаётгани кувонарлидир. Натижада Ўзбекистоннинг Марказий Осиё, Европа, Америка, Кавказ, Жануби-шарқий Осиё, араб давлатлари, Ҳинд ва Тинч океани минтақалари мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқалари тобора ривожланмоқда. Президентимиз жорий йилда ҳам қатор давлат раҳбарлари билан учрашиб, икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, янги-янги лойиҳаларни биргалликда амалга оширишга келишиб олди. Франция шундай давлатлардан бири бўлди.

Франция Президентининг охириги 30 йилда илк маротаба юртимизга

зий Осиёда барқарорлигини таъминлаш ва интеграциялашувни кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Президентимиз озарбайжонлик ҳамкасби Илҳом Алиевнинг тақлифига биноан 23-24 ноябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлгани ва БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури (СПЕКА) биринчи саммитида иштирок этгани ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Ҳозирги глобал геосиёсий беқарорлик шароитида мамлакатларимиз қандай оғир хавф-хатарларга дуч келаётганини жуда яхши ҳис қилиб турибмиз. Замонавий таҳдидларга қарши самарали курашиш минтақавий ҳамкорлигимизни янада кучайтиришни, бир-биримизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни тақозо этаётганига эътибор қаратган давлатимиз раҳбари еттига асосий йўналишда тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

БМТ Европа иқтисодий комиссияси ҳамда ЭСКАТО экспертлари билан биргалликда “СПЕКА — 2030” тараққиёт концепциясини, Минтақавий савдони рағбатлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш, СПЕКАнинг мақсадли жамғармасини ташкил этишни тезлаштириш ва келгуси йилнинг ўзида унинг амалий ишини йўлга қўйиш, Транскаспий мультимодал йўлга бўйича маълумот ва ҳужжатлар алмашиш жараёнини рақамлаштиришга қаратилган “Йўл харитаси”ни ҳаётга қилиб татиқ этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича юқори даражадаги махсус ишчи гуруҳини тузиш ва унинг илг учрашувини келгуси йили Самарқандда ўтказиш, СПЕКАнинг кенг кўламли янги концептуал ҳужжатини — кўп томонлама “Яшил стратегия”сини қабул қилиш, ишбилармон хотин-қизларнинг фаол ташаббусларини ва аниқ режаларини доимий ва тизимли рағбатлантириш мақсадида СПЕКА тадбиркор аёллари кенгашини тузиш каби тақлиф ва ташаббуслар шулар жумласидандир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, яқинда ЮНЕСКОнинг Бош Ассамблеяси сессиясини илк бор Марказий Осиёда — қадимий Самарқанд шаҳрида 2025 йилда ўтказиш бўйича тарихий қарор қабул қилинди. Бу қувончли хабар барчамизда гуруҳиштироқ туйғуларини уйғотди.

Бу қарор ўз-ўзидан ёки тасодифий қабул қилинган эмас. Бунда тарихий ҳақиқатлар ва бугунги ислохотларимиз руҳи мужассамдир. Негаки, миллий тараққиёт йўлидаги ислохотлар ва Президентимиз илгари сураётган халқаро ташаббуслар ҳамда уларнинг ҳаётга фаол татиқ этилаётгани янги Ўзбекистонни жозибадор мамлакат сифатида танитмоқда.

Дарҳақиқат, бугун диёримизда кечаётган ислохотлар, ўзгаришлар ҳар қандай мартабали меҳмонни ўзига ром этмай қўймайди. Айниқса, замонавийлик тарихий хотираларимиз билан уйғун ҳолда акс эттирилаётгани таҳсинга сазовор. Ички ва ташқи сиёсатимиздаги бу каби фаоллик эса Ўзбекистон учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

КИГИЗЛИ ИССИҚХОНА

Сарф-харажатни камайтиришнинг инновацион ечими

Феруза Жўраева,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Хоҳ ташқи, хоҳ ички бозор бўлсин, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мавсумий эмас, йил давомида муттасил етказиб беришни талаб қилади. Эшик қоқиб келган қорли-қировли кунларда эса таъминот занжирининг узлуксизлиги янада муҳим. Бундай шароитда экинларга ҳарорат, ёруғлик ва намлик билан боғлиқ сунъий муҳит яратадиган иншоот — иссиқхоналарнинг озиқ-овқат етиштиришда аҳамияти катта. Хусусан, мавсумдан ташқари даврларда ҳам ҳосил олиш, иссиқхона ва очик дала учун кўчатлар ўстиришга хизмат қиладиган иссиқхоналар исталган мева-сабзавотни етиштириш имконини яратди.

Аҳолини сифатли ва кафолатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, қолаверса, экспорт қилишда ҳам иссиқхона хўжаликлари муҳим ўрин тутаяди. Бугун озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, фермер ва деҳқонларимиз олдидаги муаммоларни ҳал қилиб, уларга кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган бежиз эмас, албатта.

— Юртимизда қарийб 3 минг 300 та фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги қорхоналари томонидан 5 минг 500 гектардан зиёд майдонда иссиқхоналар ташкил қилинган, — дейди Қишлоқ хўжалигида хизматлар курсатиш агентлиги бўлим бошлиғи Шавкат Азизов. — Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида улар томонидан 300 минг тонна маҳсулот етиштирилиб, 90 минг тонна экспорт қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан табиий газда ишлайдиган иссиқхоналарни кўмирга ўтказиш белгиланган. Қарор ижроси доирасида бугунги кунда 200 га яқин иссиқхона кўмир ёқилгисига ўтказилди.

Бугун йилнинг исталган вақтида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини савдо расталаридан топишга ўрганиб қолдик. Серёгин, совуқ кунларда ҳам маҳаллий бозорларни мева-сабзавот билан тўлдириб, чет элга экспорт қилишда юмуш ортида миришкорларнинг ҳиссаси катта. Аҳоли хонадонларида иссиқхоналар ташкил этиш орқали таъминланаётган бундай тўқинлик нафақат эҳтиёжимизни қондириши, балки иқтисодий самарадорликка олиб келиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ҳосилнинг чўғи баланд

Жорий йил бошида Олот туманида пахта ва галладан қисқартирилган ҳамда аҳоли яшаш жойларига яқин экин ерларидан 1 минг 179 гектар ер майдони аҳолига очик электрон танлов орқали ижарага берилган эди. Айни кунларда 30 дан ортиқ фермер хўжалиги боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигида фаолият юритиб, элимиз дастурхони тўқинчилигига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Мансур Хусановнинг деҳқончиликка қизиқиши юқори, аммо иссиқхона ташкил этиш учун зарур маблағи йўқ эди. Шундай кезде масъуллар маслаҳати ва тавсияси билан банкдан имтиёзли кредит олиб, 4 сотихни иссиқхона

ташкил этди. Аввалига иккиланиш, қутилган ҳосилни ололмасам, кредит маблағини қандай қайтараман, деган қўрқув билан иш бошлаган захматқашнинг меҳнати бир йилда яхшигина самара берди.



— Иссиқхонада сархил мева-сабзавот етиштириётганларни кўрсам, ҳавасим келарди, — дейди Мансур Хусанов. — Қишлоқда одамларнинг асосий даромади ердан. Шу боис, унинг ҳар қаричидан самарали фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Рўзгоримиз кам-кўстини шу

иссиқхонадан тўлдиряпмиз. Сабзавотларни экишдан олдин ерга ишлов бериб, маҳаллий ўғит билан тўйинтирдик, зарур агротехник тадбирларни амалга оширдик. Шунга яраша ҳосилимиз мўл. Бу йил ҳам яхшигина даромад олишни мўлжал-

лаб турибмиз. Ҳали олдинда харажатли, яхши кунларимиз кўп, қолаверса, янги машина олиш, уй-жойларни таъмирлаш ниятидаммиз. Ҳосилнинг чўғи баланд бўлгани учун катта харажатлардан ҳавотирга тушмаяпман. Кредитни ҳам ўз вақтида қайтаряпман.

Маҳсулотга Европа бозорларида ҳам талаб юқори

Сурхондарё йилнинг барча фаслида ҳам сархил мева-сабзавот етиштириш учун қулай шароитга эга ҳудуд. Ҳавоси мўътадил, тупроғи унумдор воҳада ҳам миришкорлар иссиқхона барпо этиб, мўмай даромад олапти. Жарқўрғонлик тадбиркор бир гектарлик иссиқхонасида қалампирнинг экспорт бонусини етиштирмоқда.

— Иссиқхонамиз жойлашган ҳудуд бундан уч йил аввал чўл эди, — дейди тадбиркор Асадбек Абдуллаев. — Бугун эса мўл ҳосил берадиган аjoyиб иссиқхонага айланди. Етиштирилган булғор қалампирини яхши тош босадди. Дастлабки теримда 300 килограмм ҳосил йиғиб олдик. Иккинчи теримнинг ҳосили бундан ҳам кўп бўлади. Умуман

олганда, январь ойигача 10 тоннадан ошқ маҳсулот олиб, маҳаллий ва қўшни давлатлар бозорига етказиб беришни мўлжаллаганамиз. Баҳорги булғор қалампирдан 15 тонна ҳосил олган эдик. Экспорт бонуси экканамиз. Турли салатлар тайёрлашга мўлжалланган бу маҳсулотга Европа бозорларида талаб катта.

Дарвоқе, иссиқхонага қалампирнинг янги нави чет элдан олиб келиниб, синов тариқасида экинган эди. Миришкорларнинг меҳнати сабаб экин маҳаллий шароитга мослашиб, қутилганидан ҳам яхши натижа бермоқда. Маълумотларга кўра, бир гектарлик иссиқхонага қалампир етиштириш учун 25 миллион сарфлаб, 20 тонна ҳосил олиш мумкин. Бир түпи бир ярим килограммгача ҳосил берадиган мазкур нав хориж бозорларида қиммат баҳоланадиган маҳсулотлар сирасига кирарди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, мазкур туманда 14 гектар майдонда иссиқхоналар барпо этилган, цитрус меваги дарактлар, сабзавот ва полиз экинлари парвариш қилинмоқда. Жорий йилда 7 минг тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотларини хорижий давлатларга экспорт қилиниши режалаштирилган.

2023 йил 1 ноябрдан бошлаб, иссиқхона хўжалиқларига кўмир қозонини харид қилиш харажатларининг 20 фоизини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридagi Қишлоқ хўжалигида хизматлар курсатиш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан қоплаб бериш тартиби йўлга қўйилган. Албатта, бу каби имтиёзлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тури ва ҳажми кўпайишига муносиб ҳисса қўшади. Қолаверса, соҳа вакилларига рағбат ва кўмак бўлади.

— Иссиқхона хўжалиқларида сардаромад янги экин турларини етиштириш ҳамда ҳосилдорлик ва даромадди ошириш мақсадида хориждан малакали агроном, энтомолог ва лаборатория мутахассисларини жалб қилиш харажатларининг 50 фоизи ҳам ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади, — дейди Шавкат Азизов. — Бунда юқори малакали агрономлар “яшил реестр”ни юритиш ҳамда расмий веб-сайтларга аъло қилиб бориш тизими йўлга қўйилмоқда. Ҳозир энергия сарфини камайтирадиган янги тилдаги иссиқхоналарни ўрнатиш, уларда ҳосил

етиштириш бўйича фермер ва деҳқон хўжалиқларига тавсиялар бериш борасида иш олиб бораёпмиз.

Янги усул қулайлиги

Энергия сарфини камайтириш мазкур ресурсларнинг тежаллиши, шунингдек, таннарх пасайишига ҳам хизмат қилади. Айни кунларда тажриба тариқасида қишлоқ иссиқхоналар ташкил қилинмоқда. Мутахассислар фикрига кўра, иссиқхоналарни кигиз билан ёпиш ҳисобига қорли-қировли кунларда ҳам +10 даражагача бўлган ҳароратни ушлаб туриш имконияти яратилади. Бундай ҳароратда 10 сотих иссиқхона учун 1 ойда сарф этиладиган 7,5 тонна кўмир 1,9 тоннага, мавсумда 11,5 тоннага имтиёс қилинади. Шунингдек, кигиздан тўғри фойдаланилса, яхши сақланса, уни 5 йилгача ишлатиш мумкин. Бу ҳар йили иссиқхоналарни қайта барпо этишга кетадиган харажатларни ҳам тежайди. Ҳисоб-китобларга кўра, тежалладиган мана шу маблағ ҳар бир гектар учун 118 миллион сўмини ташкил этади. Мутасаддилар иссиқхона хўжалиқларининг кигизга талабидан келиб чиқиб, 590 гектар майдонга шундай матони етказиб бериш учун зарур чоралар кўрмоқда.

Янги тилдаги иссиқхоналарнинг афзаллик томони шундаки, уларни истишга катта маблағ талаб этилмайди. Синтетик қоплама ҳисобига қишлоқ иссиқхонада салқинликни сақлаб маҳсулот етиштиришга қулай муҳит яратилади. Унинг икки томони автоматик тарзда очилади ва шамоллатиб туриш мумкин бўлади. Ушбу тилдаги иссиқхоналарда қулпнай, кўкат, голубка (меваги бута), спаржа, артишок каби совуққа чидамли ва юқори даромадли экинлар етиштириш мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, фермер ва деҳқонларимиз олдидаги муаммоларни ҳал қилиб, уларга кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қишлоқ хўжалиги экинларини кўпайтириш, ҳар фаслни пишиқчилик масъумияти айлантиришнинг аҳамияти катта. Деҳқончилик жуда тез фойда келтирадиган йўналиш. Қолаверса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар захматқашлар оғирини енгил қилиб, уларга янгидан-янгини имкониятлар тўхфа қилмоқда.

БИР МАҲАЛЛА — БИР МАҲСУЛОТ

ҚИШДА ҲАМ ҲАРАКАТДАН ТЎХТАМАЙДИГАН ОДАМЛАР

Риштон туманидаги “Сохибор” маҳалла фуқаролар йиғинида кузги шолғом, турп, сабзи, лавлаги каби сабзавот маҳсулотларини йиғиб-териб олиш ишлари поёнига етди. Эндиликда уларни саралаш, қадоқлаш, сақлаш, ички ва ташқи бозорга йўналтириш билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда. Маҳсулотнинг бозори чаққон. Бир килограмм турп ва шолғом улгуржи нархда 2-3 минг сўмдан ситилмоқда. Ўн сотих ердан ўрта ҳисобда 15-16 тоннага яқин ҳосил йиғилгани ҳисобга олинса, даромад чўғини чамалаш қийин эмас.

Маҳалла миришкорлари томонидан етиштирилаётган сархил сабзавотлар юртимиз бозорларидан ташқари Россия, Қозғистон, Қирғизистонга ҳам экспорт қилинмоқда. Ўтган деҳқончилик йилида бу йўналишда 7 минг тоннадан ортиқ маҳсулот сотилди.

Риштон эртакли ва кузги сабзавот маҳсулотлари етиштириш борасида илгор ҳудудлардан бирига айланган. Бугун маҳалла хонадонларида бўлган кишининг нигоҳи сараланиб, қадоқлаб қўйилган сабзавот маҳсулотларига тушади. Айтишларича, қўнра қишлоқ одамлари авваллари ҳам бу йўналишда меҳнат қилган, изланган. Лекин минг машаққат билан етиштирилган ҳосил учун эркин бозор йўқ эди. Маҳсулотларни ички бозорда сотиш билан кифояланган. Ҳосилдорлик, манфаатдорлик салмоғи ҳам шунга яраша бўлган.

Кейинги йилларда аграр соҳани ислоҳ қилиш ва бозор талабларига мослаштириш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашга эътибор тўғрисида деҳқон

ва томорқачилар ҳаёт тарзи ўзгарди. Томорқадан бир эмас, 2-3 марта ҳосил олиш, бугдойдан бўшаган экин майдонларида тақрорий экин экиш борасидаги ташаббуслар қулоч ёйди.

— Дунё бозорларида саховатли заминимизда етиштирилган мева-сабзавотларга талаб юқори, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жаполиддин Мирзакаримов. — Айни кунда 76,4 гектар аҳоли томорқаси ва фермер хўжалиқларида 600 гектар бугдойдан бўшаган майдонда кузги сабзавот етиштирилмоқда. Ҳар йили ички ва ташқи бозорга умумий миқдорда 30 минг тоннадан ортиқ сабзавот етказиб берилади. Қолаверса, маҳалла-мизда жиноятчилик ва ишсизликдан холи ҳудудга айланди. Жорий йилнинг ўзига 92 нафар мигрант, ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлиги таъминланди.

Гулшода Охунова ишсизлиги боис, “Аёллар дафтари”да туради. Тўрт сотихдан ортиқ томорқадан самарали фойдаланишда қийинчиликларга дуч келаётганди. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси



Маҳалла миришкорлари томонидан етиштирилаётган сархил сабзавотлар юртимиз бозорларидан ташқари Россия, Қозғистон, Қирғизистонга ҳам экспорт қилинмоқда. Ўтган деҳқончилик йилида бу йўналишда 7 минг тоннадан ортиқ маҳсулот сотилди.

тавсияси билан хонадон томорқасига 33 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига 3,5 сотих иссиқхона қуриб берилди, томчилик сўғориш тизимлари ўрнатилди. Эрта кўкламада бошланган хайрли ташаббус оила учун айна мўддао бўлди — Гулшода “Аёллар дафтари”дан чиқди. — Эртакли бодриндан 25 миллион сўмдан ортиқ даромад олдик, — дейди томорқадagi кузги юмушлар билан

андармон хонадон бекаси. — Кузги ҳосил салмоғи ҳам яхши бўлди, кўкат етиштириб сотдик. Рўзгордан ортириб, мол-қўй қилдик. Айни кунда кўклам экинлари ҳозирлигини кўряпмиз. Маҳаллий ўғит жамғариш, ер юмшатиш, чилла сувга қондириш мавсумнинг муҳим амалларидан. Оиламиздаги тинчлик-товуқлик, файзу барака ана шу меҳнат ва изла-нишларимиз самараси.

ҳисобига тўй қилиб, келин туширдик. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, умумий даромад салмоғи 60 миллион сўмдан ошди. Бизга ҳам жиҳатдан қулай шароит, имтиёз ва имкониятлар яратиб берган Президентимиздан миннатдор-миз.

Маҳаллада “Қайрағоч сара мевалари” оилавий қорхонаси ташаббуси билан сифими 1,5 минг тонна музлаткич қурилди. Эндиликда пластмасса қутилар ва қоп ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Янги лойиҳа бир вақтнинг ўзига 150 дан ортиқ ёш иш билан таъминланди. Бу ерда сабзавот маҳсулотлари етиштириш йўналишида кластер фаолиятини йўлга қўйиш борасида иш олиб боришмоқда. Натижада сархил маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятини оширишда янги имконият эшиклари очилди.

— Жорий мавсумда 60 гектар ерда кузги сабзавот маҳсулотлари етиштирилди, — дейди оилавий қорхона раҳбари Рустамжон Тоштоват. — Куз баракали келиб, гектарлар ҳосилдорлиги юқори бўлди. Бундан ташқари, томорқа ер эгалари, фермер ва деҳқон хўжалиқлари билан ўзаро келишув асосида маҳсулот харид қилиш, саралаш, қадоқлаш, сақлаш йўналишида иш олиб бораёпмиз. Бу йилги мавсумда ички бозордан ташқари, хорижга 10 минг тоннага яқин маҳсулот экспорт қилиниши қўлаб турибмиз.

Изланиш, ҳамжихатлик бўлган жойда фаровонлик, ободлик аънаналарни қулоч ёймоқда. Шу йилнинг ўзига маҳалла ҳудудига 11 километр тоза ичимлик сув тармоғи тортилди, 5 километр ички йўл асфальтланди, 2 та янги трансформатор ўрнатилди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official



ИНСОН ҚАДРИ

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМ

муаммолари билан ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди

Ўртимизда амалга оширилаётган ислохотлар кўламининг йилдан-йилга ошаётгани аҳолининг эртанги кунга ишончини янада мустақкамлаб, ҳаёт тарзига енгиллик олиб кириш, қўлайлик яратишга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда, айниқса, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган фуқаролар, ёлғиз кексаларга кўмак бериш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда аҳолининг ижтимоий ҳимосини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



Бинобарин, Президентимизнинг 2023 йил 1 июндаги "Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилиниши ҳам бу борадаги ишларни янада тақомиллаштиришда муҳим омил бўлди. Фармонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ишга жойлашиши ва таълим олишига кўмаклашиш бўйича конституциявий мажбуриятлар бажарилишига эришиш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқ ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, аҳолига ижтимоий хизматлар сифатини тубдан ошириш масаласига доир устувор вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг ҳудудий марказлари ташкил этилди. Агентлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади. У ўз фаолиятини бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга ошириш назарда тутилди. Маҳалла даражасида профессионал ижтимоий хизматни ташкил этиш, оғир ҳаётли вазиятга тушиб қолган фуқароларга индивидуал ёндашув асосида ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш, ногиронлар учун қўлай ва инклюзив муҳит яратиш каби вазифалар ҳам агентлик ходимлари зиммасига юклатилди.

— Бу тизим жуда кенг қамровли бўлиб, ходимлардан катта тажриба ва малака талаб этилади. Сабаби ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар билан бевоқифа ишланганин узига хос томонлари бор. Фаолиятимизни бошлагандан кейин бириктирилган ҳудудларда хатловлар ўтказиқ, эҳтиёжманд ва имконияти чекланган, кўмакка муҳтож фуқаролар рўйхатини тузди. Ҳозир уларнинг ҳар бири билан зарур ишлар олиб борилиб, ёрдам берилмоқда. Бу жараён уларнинг жамиятда муносиб ўрин топишида муҳим, — дейди марказ ходими Лола Улашева.

Бугунги кунда аҳоли орасида ахборот технологиялари соҳасига қизиқиш тобора ортомоқда. Барча соҳа ва жабҳаларга замонавий ахборот тизими кенг жорий этилиб, ушбу йўналишдаги мутахассисларга меҳнат бозорида ҳам талаб ортайтирилади. Шу боис, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини ахборот технологиялари соҳасига қизиқтириш ва бу борада уларнинг имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан амалий ишлар бошланиб боради.

Навоий вилоятида ҳам шу мақсадда "IT Park" виллоят филиали ва Навоий шаҳри "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ўртасида меморандум имзоланди. Шу асосда 14-30 ёшдаги ногиронлиги бўлган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни қизиқтириш ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, замонавий касбларга ўқитиш бўйича қисқа мuddатли курслар ташкил этилиб, Навоий шаҳрида яшовчи

50 нафар ёш компьютер ва дастурлаш соҳаси бўйича ўқитилмоқда. Орти ой давом этадиган ўқув курсларини муваффақиятли якунлаган ёшларга махсус сертификатлар топширилади.

Албатта, тараққиётнинг янги босқичида инсон қадрини, манфаатини ҳар нарсадан улуғ саналади. Яратилган ана шундай имконият ва имтиёзлар туфайли ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳам айни вақтда хунармандчилик, сервис каби йўналишларда ўзини ўзи банд қилиб, қўшимча даромад топиш борабариди, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширишга ҳам хисса қўшмоқда.

Ана шундай матонат соҳибларидан бири Кармана туманидаги Кўҳнақўрғон маҳалласида яшовчи Алишер Баратов юриш имконияти чекланган бўлса-да, интилиши туфайли заргарлик буюмлари ва калит ясаш сирларини ўрганиб, айни вақтда мустақил иш бошлади. Ҳеч фурсат ўтмай, у ўз хунари ортидан оиласига яхши даромад келтирмоқда.

— Соғлигим яхши эмаслиги учун уч мартаба жарроҳлик амалиётини ўтказдим, аммо юролмай қолдим. Бошида қийналдим, уйда ўтирдим, аммо бу синовларга мағлуб бўлмадим, сабр қилдим. Ҳозир хунарим бор, даромадим ҳам яхши. Ўртимизда биз каби инсонларга ўқиш, хунар ўрганиш ва ишлаш учун барча имконият ва қўлайликлар яратиб берилган. Муҳими, эътибордан четда эмаслигини ҳис қиламиз, — дейди хунарманд Алишер Баратов.

Карманлик яна бир матонат соҳибаси Тўйғун Муҳиддинова ҳам болалиқдан ногиронлиги бўлса-да, жамиятда ўз ўрнига эга. У ҳозир хонадонда оилавий мактабга таълим муассасаси ташкил этиб, 25 болага замонавий таълим-тарбия беришни йўлга қўйган. Бунинг учун муассасада барча шароит бор. Шу билан бирга, у маҳалласидаги икки нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлигини ҳам таъминлади.

Умирисно Амонова тумандаги Қаҳрамон маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилади. Худуд аҳолисини унинг хизматидан мамнун. Қўли-қўлига теғмай иш юритаётган Умириснога фаолиятини бошлаб хато қилмаганини таъкидлайди. Имконияти чекланган бўлса-да, ҳаётга интилиши, умиди сунмаган. Компьютер, сурат чоп этиш, нусха олиш каби хизмат кўрсатиш ишлари орқали оиласига яхшигина даромад ҳам топмоқда. Унинг келгуси мақсадлари юксак. Инсон ҳаммиса кўзлаган ниятлари сари интилиши зарур, дейди у шу ҳақида тўхталар экан. Шунингдек, ўртимизда инсон қадрини устувор экани ва аҳолининг барча қатламига қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор, рағбатдан мамнун.

Айни вақтда худудларда ташкил этилган "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари фаолияти бу каби фуқароларни қўллаб-қувватлаши, тадбиркорлик, хунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиши, шунингдек, оғир ҳаётли вазиятга тушиб қолишининг олдини олиши каби хайрли мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятга эришди.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

Дунёда чуқур иқтисодий инқироз давом этаётган ҳозирги кунда, қанчалик қийин бўлмасин, зарур маблағ ва имкониятларни топиб амалга ошираётган бундай саъй-ҳаракатларимиз, албатта, ўз натижасини беради. Олийгоҳларда таҳсил олаётган хотин-қизларимиз орасидан илм-фан, сиёсат ва жамоат арбоблари, машҳур маданият ва санъат, спорт намояндалари етишиб чиқади, деб ишонаман".

Бошланғичи 1-бетда

10 йилдан сўнг ушалган орзу

Опа-сингилларимизнинг билим ва салоҳиятини юксалтириш, орзу-умидини рўёбга чиқариш йўлидаги ташаббуслар ўртимизнинг энг чекка худудларига етиб борди. Имкон ва имтиёз кўллаб қўлларга маърифат ёғдусини улашди. Жорий йилда тавсиянома олиш учун эҳтиёжманд оилалардан бўлган 50 минг 668 хотин-қизнинг аризаси белгиланган муддатда хотин-қизлар.uz электрон платформаси орқали қабул қилинди. Ишчи гуруҳ мазкур аризаларни кўриб чиқиб, 38 минг 702 талабгорга тавсиянома тақдим этди.

— Айни пайтда "Янги Ўзбекистон" университетда 1-курсда таҳсил оляп-



ИМТИЁЗ, ИМКОНИЯТ, РАҒБАТ

эртанги тараққиётнинг бугунги тамал тоши

Имтиёз — имконият — рағбат. Бундан биргина Нилуфар эмас, ўртимиздаги оила аёллар баҳраманд бўлмоқда. Бугун маърифат истаган аёлларга зарур шароит тақдим этилаётир. Опа-сингилларимиз жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун бор имконият ишга солинмоқда.

Давлатимиз раҳбари жорий йил Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишланган тантанали маросимда бу борадаги ишлар хусусида тўхталаркан, жумладан, бундай деди:

"Агар бундан 6 йил аввал олийгоҳларда 110 минг хотин-қиз таҳсил олган бўлса, ҳозирги вақтда бу рақам қарийб 5 баробар кўпайиб, 500 минг нафарни ташкил этмоқда. Шу тариқа бугунги кунда олий таълим олаётган талабалар орасида қизларимизнинг улуши 50 фоизга етгани тарихимизда мисли кўрилмаган натижадир.

Янги тартибга мувофиқ, магистратурада ўқибтатан 10 мингдан ортиқ талаба қиз учун 68 миллиард сўмдан зиёд контракт пуллари давлат томонидан тўлаб берилди. 65 мингдан кўпроқ талаба хотин-қизга 727 миллиард сўмга яқин фоизсиз таълим кредити ажратилди.

Эҳтиёжманд оилаларда яшаётган қарийб 2 минг қиз, шунингдек, мутахассислиги бўйича беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган 500 нафардан ортиқ хотин-қиз олийгоҳларга алоҳида квота асосида ўқишга қабул қилинди.

Дунёда чуқур иқтисодий инқироз давом этаётган ҳозирги кунда, қанчалик қийин бўлмасин, зарур маблағ ва имкониятларни топиб амалга ошираётган бундай саъй-ҳаракатларимиз, албатта, ўз натижасини беради. Олийгоҳларда таҳсил олаётган хотин-қизларимиз орасидан илм-фан, сиёсат ва жамоат арбоблари, машҳур маданият ва санъат, спорт намояндалари етишиб чиқади, деб ишонаман".

Тасаввур қилинг, 6 йил аввал олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган хотин-қизларнинг сони бугун 5 баробар кўпайди. Бу айни пайтда 500 минг аёл-қиз яшайдиган оилада маърифат чироғи ёнган, қаида шунча фарзанд билмилми онандан сабоқ, тарбия олади, демакдир. Салоҳиятли оналар билан бирга билмилми жамият сари дадил оидлардан дарақдир бу. Ўқиш шартнома пули тўлаб берилаётгани бугун моддий имконияти чекланган, аммо орзуси олам-жаҳон оилаларга чин маънода кўмак бўлаётир. Алоҳида квоталар берилаётгани эҳтиёжманд оилалар, касбини севса-да, олий таълим ололмаган аёл-қизлар

ман, — дейди Рухсона Байманова. — Отам вафот этган, онам дардманд бўлгани боис, меҳнат қила олмайдим. Акам ва мен талабамиз. Оиламиз "Ижтимоий ҳимоя реестри"га киритилган. Бу йил Оила ва хотин-қизлар кўмитаси тавсияномаси берилгани ҳамда талаба бўлганим ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа.

Президентимизнинг "Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида мутахассислиги бўйича қаида беш йиллик меҳнат стажига эга, лекин олий таълим олиш бўлмаган 500 хотин-қиз ҳар йили Оила ва хотин-қизлар кўмитаси тавсияномаларига асосан, давлат ОТМларида тест синови натижаларига мувофиқ контракт асосида ўқишга қабул қилиниши белгиланган. Ушбу имтиёз ҳам

тест натижаларига кўра, 507 хотин-қиз олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида талабалikka қабул қилинди.

Жорий йилда ҳам мутахассислиги бўйича қаида беш йиллик меҳнат стажига эга, лекин олий таълим олиш бўлмаган, ўрта махсус ёки профессионал таълим муассасаларини тамомлаган 12 минг 563 талаборнинг аризаси тавсиянома олиш учун доимий яшаш ёки вақтинча рўйхатда турган жойидаги туман (шаҳар) ишчи гуруҳларига тақдим этилди. Аризаларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги ўрганилиб, хотин-қизлар.uz электрон платформасига киритилди. Туман (шаҳар) ишчи гуруҳларнинг ўрганиши натижасида 11 минг 992 хотин-қизга тавсиянома берилди.

— Коллежни тамомлаганимдан сўнг олий таълим олишга имкониятим бўлма-



олий таълим олиш орзуси ушалмай келаётган опа-сингилларимиз учун катта имконият бўлди.

Оила ва хотин-қизлар кўмитаси таълим олаётган хотин-қизлар.uz платформаси орқали мутахассислиги бўйича қаида беш йиллик меҳнат стажига эга, лекин олий таълим олиш бўлма-

ди. Чирчиқ шаҳри тиббиёт бирашмасига ҳисобчи бўлиб ишга кирдим, — дейди "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университети 1-курс талабаси Динора Ражабова. — Бу орада турмушга чиқдим. Кетма-кет икки фарзандим дунёга келди. Болалар, рўзғор ташвиши билан андармон бўлдим. Фарзандларим бир оз каттаргач, ишимга қайтдим. Севимли касбимда ишласам-да, таълимим олий эмаслиги кўнглимни хижил қилар, салоҳиятли, олий таълим олиш ёшларни кўрганимда ўзимни камдек ҳис қилардим. Қолаверса, касбининг етуқ мутахассиси бўлиш, ҳаётда ўз ўрнини топишда олий таълим олиш бўлиш гоёт муҳим. Тўғри, ишда тажрибангиз бўлади, шу касбининг сир-асорининг англаб етасиз. Малакали мутахассис бўлишингиз мумкин. Аммо олий таълим олиш бўлсангиз, нур устига нур. Ниҳоят, 5 йиллик иш стажига эга хотин-қизлар учун яратилган имтиёздан фойдаланиб, талабалikka қабул қилдим. Жорий йилда тавсиянома асосида ўқишга кирган куним ҳаётимдаги энг қувончли кунлардан бири бўлди..

"Болаларни адабиётга меҳрли бўлишга ўргатаман"

Мамлакатимизда нозик хилқат вакилларининг таълим олиши, жамият тарбиячилари бўлиб ўлгайиши учун яратилган имкониятлар бугун қўллаб-қўллаб олаётган хотин-қизларимиз ҳаётда ўз ифодасини топяпти.

Эгизак фарзандлари ўқишга тавсия этилган оила

Тошкентлик Санжар Юсупов тарих фани ўқитувчиси. Жорий йилда Санжар аканинг уч эгизак қизи нуфузли университетлар талабаси бўлди. Фотиманинг Тошкент давлат шарқшунослиқ университети, Захро ва Зухранинг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига ўқишга киргани қутилмаган бахт эди. Оила бошлиғи қизлар келгуси авлод тарбиячилари, оиланинг маънавий муҳити барометри эканини яхши тушунади. Шу боис, қизларни узатишга шомшадди, аксинча, ёшлигидан яхши ўқитишга ҳаракат қилди. Қизлар катта бўлгани сари хорижий тилларни ўрганишга иштиёқи баландлиги кўзга ташлана бошлади. Улар тинимсиз ўз устиди ишлади, мустақил шугулланди. Изланиш ва меҳнат бе-самар кетмади. Қизларнинг учаласи ҳам бир вақтда олий таълим муассасасига ўқишга кирди. Уч фарзанднинг контракт тўловини тўлаш унча-мунча оилга оғирлик қилади, албатта. Шунда Оила ва хотин-қизлар кўмитаси тавсияномаси айни мuddоа бўлди.

— Талабалikka қабул қилинганимиз оиламиз учун байрамга айланиб кетди. Қанчалик хурсанд бўлмайлик, контракт тўлови масаласи ота-онамиз учун осон бўлмаслигини тушуниб турардик. Шундай пайтда имтиёз асосида ўқишга қабул қилинганимиз оиламиз учун катта кўмак ва эътибор бўлди, — дейди Захро Юсупова.

Маънавий янгилашиш йўлидаимиз. Янги уйғониш даври, аввало, таълим тараққиётига, миллий маънавиятнинг мустақамлигига боғлиқ. "Хотин-қизлар — бу миллат оналаридир", деган эди маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат. Бугун турмушнинг иқир-чиқирларидан баланд, орзулари тирикчилик ташвишларидан устун, билимли, закий оналар етишиб келяпти. Улар тарбиялайдиган фарзандлар эртага юрт қорига ярайди, мамлакат ривожига хисса қўшади.

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири



учун катта ёрдам бўлаётганини бир неча юртдошимиз тақдирини мисолида кўзатиш мумкин.

ган 29 минг 531 хотин-қизнинг аризаси қабул қилиниб, уларнинг 28 минг 664 нафарига тавсиянома берилди. Шундан

ШУКРОНАЛИК

ЮРТНИ ЯХШИ НИЯТ ВА ДУО АСРАЙДИ



Саксон олти ёшли Азим бобо Ақромов Ёждувонда яшайди. Кўп йиллар олий ўқув юртида талабаларга сабоқ берган. Ойда икки-уч марта кўнғироқ қилиб, насихат қилади: “Ёзганларингизни ўқиб тураман. Бўш келманг. Яшайдиган, ижод қиладиган замонлар келди. Юртбошимизга раҳмат, Ёксаларини хурматлаган юрт ҳеч қачон кам бўлмаган, бўлмайди ҳам”.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

Кексалар ҳар гал дуога қўл очиганда Яратгандан дастлаб эл-юртга тинчлик, хотиржамлик сўрашади. Шу икки ният инсон ҳаётининг, у қаерда яшамасин, мангу илтижоси бўлиб қолаверади. Дунё эса Азизиддин Насафий ҳазратлари уқтирганидек, тинимсиз ҳаракатда, айлаишда, тўлқин янглиг гоҳ авжланиб, гоҳ сокин тортиб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишда, хуш-нохуш воқеалар занжири бир-бирига улаишда, тун қоронғилиги тонгги шафакка ўрин беришда, ногаҳоний довулдан сўнг майин шабада эсишда давом этаверади.



Халқимизда “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Қари билгани пари билмас” деган мақоллар бор. Улар замиридаги маъно шуки, кексалик умр дарахтининг ҳар жиҳатдан вояга етган, ҳосили пишиб етилган, биргина соясининг ўзи минг дардга даво, ҳар бир сўзи минг маънога эга фаслидир. Умрини ҳалол меҳнат билан ўтказган, солиҳ фарзандлар тарбиялаб еттиштирган, ўздан ибратли амаллар қолдираётган бундай инсонлар билан мулоқот қилишнинг ўзи катта бахт. Негаки, ҳар бири устоз мақомида бўлган нурунийларнинг ноёб ҳаёт тажрибаси, йўл-йўриқлари ёшларни фироқлашга, мураккаб вазиятларда ягона тўғри йўлни топишга ёрдам беради. Фикрдан фикр унади.

тинглайдиган, фаолиятдан, аввало, ўзи қониқиб ҳосил қиладиган жамият ҳеч қачон кам бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Утмишга назар ташласак, кўп йиллар исломий давлат бўлиб турган Андалусияда ота-боболаримиз қаровсиз, боғроғлари сувсизликдан қуриб-қақшаган бу ўлкани гуллаб-яшнаган, шу билан бирга, илмий тафаккур ривожига ҳам жиддий эътибор берган. Андалусия мисолида Аллен Дабус: “Мусулмонлар (илмий тафаккур билан) Уйғониш даврига дебоҳа бўлган технология ўсишлар эшигини очиб берди”, деб ёзган эди. — Таассуфки, кейинчалик олис Андалусия ҳам, Мовароуннаҳр ҳам зехний ўшайтанан инқирозга юз тутди. Андалусия ҳукмдорлари аҳилликни йўқотиши, бойликка ружу қўйиб, маънавий айниш кўчаларига кириб кетди. Узимизда эса 1922 йили “Ҳақиқат” журнали ёзганидек: “Сўнги асрларда маърифатсизлик, жоҳилликка йўл қўйилганининг сабаби — илмсиз, маърифатсиз хонлар элнинг чироғи-йўлбошчиси бўлган уламоларни ўз бўйинтуруқлари остига олиб, соф йўлни ўшайтанан йўлларига татбиқ этишгандир”.

Аллома Алихонтура Соғуний бу фикрни янада тиниқ ифодалайди: “Ўзларини дин ҳомийлари деб эълон қилган қўлпаб ҳукмдорлар халқни маърифат нуридан маҳрум, замонавий фанний илмлардан

ларда қолиб кетади. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон раҳбарлигига келгач, аниқ ҳисоб-китоб, халқнинг хоҳиш-истаги, миллатнинг келажаги билан узвий боғлиқ ислохотлар тўлқини юзага келди. Эришган ютуқларимиздан бири кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари бораётганимиз. Бундай жамият юксак даражада уюшган, онли ва масъулиятли муносабатларнинг ҳаёт синовларидан ўтган пухта тизими бўлиб, жамият ҳар бир аъзосининг ҳуқуқ ва эркинлиги талаб даражасида таъминланади. Фуқаролик жамиятида одамларнинг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий маданияти, ягона мақсад йўлидаги эврилишларга бевосита дахлдорлиги, кексаларга ғамхўрлик, она ва бола саломатлиги, устоз-шогирд аъналарини ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Фуқаролар мамлакат Конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш, меҳнатлари самарасидан тўла фойдаланиш имкониятига эга. Шу маънода, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнига таъсир ўтказётгани гоёт қувонарлидир. Чунки ушбу қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан самарали фойдаланиши таъминлаши билан ҳам аҳамиятли.

Демократик ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатларда инсон орзу-умидларининг рўёбга чиқиши жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга ошириладиган ислохотлар, қабул қилинаётган қарор ва дастурларнинг бевосита самарасига, жамият аъзоларининг бу жараёндаги иштироки, ижтимоий фаоллиги боғлиқ бўлади. Бу боғлиқлик, энг аввало, одамлар қалбига жамият ҳаётида кечаётган жараёнларга шахсий дахлдорлик туйғусини юзага келтиради. Бу туйғу фуқаролик бурчига айланади ва шахсни янада фаол бўлиши, жамият, миллат манфаатларини шахсий хоҳиш-истақдан баланд қўйишга, ҳаммиша ва ҳар ҳолатда ҳам виждон амрига қўлқутутишга, инсоф-диённатга даъват этади.

Шундай бўлмоқда. Аммо...

Инсониятнинг буюк умиди учинчи минг йилликдан эди. Иккита жаҳон уруши, ядро қуролининг кашф этилиши, қир-



ўтирган дарахт шохига арра тортиш (Эркин Воҳидов), ўзи ва болаларини тўйдирётган ерни заҳарлаш, океан сувларини чикиндиларга тўлдириб қабрият ҳаётининг турли соҳаларида амалга ошириладиган ислохотлар, қабул қилинаётган қарор ва дастурларнинг бевосита самарасига, жамият аъзоларининг бу жараёндаги иштироки, ижтимоий фаоллиги боғлиқ бўлади. Бу боғлиқлик, энг аввало, одамлар қалбига жамият ҳаётида кечаётган жараёнларга шахсий дахлдорлик туйғусини юзага келтиради. Бу туйғу фуқаролик бурчига айланади ва шахсни янада фаол бўлиши, жамият, миллат манфаатларини шахсий хоҳиш-истақдан баланд қўйишга, ҳаммиша ва ҳар ҳолатда ҳам виждон амрига қўлқутутишга, инсоф-диённатга даъват этади.

ўтаётган умримизнинг ҳар куни ўз хирмони ва тарзисига эга. Буни сезмаслик мумкин эмас.

Ўзбекистон қисқа муддат ичида моҳиятан неча ўн йилликларга тенг ривожланиш йўлини бошбўсма ўтди. Бу йўл Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳалқчил, ҳаётчан сиёсатидан, жамият ҳаётида мавжуд ижтимоий-иқтисодий, маънавий-психологик ҳолатини реал баҳолашдан, танқидий мушоҳадаларга йўл очилишдан бошланди. Янги сиёсатнинг бош мақсади халқ билан мунозаам мулоқотда бўлиш, уни тинглаш, муаммоларини ҳал қилиш, биз билан бир минтақада яшаб келаётган, суви суви бўлиб, йўли йўлимизга, ери еримизга туташиб, миллий ва диний қадриятлари, урф-одатлари бир қўшнилар ўртасидаги икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларини навиқни тиклаш, кенг маънода йўлга қўйиш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, йўлларни, халқлар транспорт йўлақларини сунъий тўсиқ, ортиқча қозғоқозликдан тозалаш, асоссиз таққирларни, қўриммас “қора рўйхат”ларни бекор қилиш, қонун бузилишлари, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик каби эзгу мақсадлардан иборат эди.

Бу тарихий жараёни бошлаш учун, биринчи навбатда, жамиятга соғлом маънавий муҳит, ижтимоий адолатнинг қарор топишига ишонч руҳини юзага келтириш, тадбиркорлик ва ишбилармонликни мамлакат миқёсида умумхалқ ҳаракатига айлантириш, янги авлод тарбияси билан жиддий шугулланиш зарур бўлди. Чунки жамиятнинг ҳаракатсиз, занг босиб ётган мурватларига жон ато этиш, фикр мудроқлигига барҳам бериш кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжга айланган эди. Давлатимиз раҳбарининг одамлар ўз умри, турмуш тарзидан бугун рози бўлиб яшашлари зарур, деган даъвати мана шу бўлиқни тўлдирди, янги Ўзбекистон кузлаётган янги марралар маъно-моҳиятини дунёга очиклади.

Улуғ Конфуций “Умрида йиқилмаган киши буюк эмас, неча бор йиқилган, аммо ўрнидан шахд билан туриб, ишонч билан олдинга интилган одам буюқдир”, деган экан. Унинг яна бир фикри шуки, йўлга мақсадсиз чиққан инсон, шубҳасиз, фалокатга йўлиқади. Биз бугун ўтган йўлимизни, эришган ютуқларимизни, йўл қўйган хато-камчиликларимизни ҳолис баҳолаб, уларни қайта тақоррولаслик тадориғини қўриб, аниқ мақсад билан олдинга интилоқдамиз. Хорижий кузатувчиларнинг фикрича, Ўзбекистон раҳ-

барининг ички ва ташқи сиёсати минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётига, шунингдек, давлатлараро муносабатларга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу сиёсат замирида бир вақтлар илм-фан тарақиётида дунё муаллимлари даражасига кўтарилган улуғ аждодларимиз руҳи ва мероси мавжуд десак, хато бўлмайди.

Кўнглимдан шу мулоҳазалар ўтар экан, кейинги йилларда оддий қаламқаш сифатида юрт кезганим, дунёқарашим, феъл-атвори, тақдир тақозоси турлича одамлар билан қурган суҳбатларим, уларнинг шууримга нақшланган ҳикоялари ёдимга тушади...

Саксон олти ёшли Азим бобо Ақромов Ёждувонда яшайди. Кўп йиллар олий ўқув юртида талабаларга сабоқ берган. Ойда икки-уч марта кўнғироқ қилиб, насихат қилади: “Ёзганларингизни ўқиб тураман. Бўш келманг. Яшайдиган, ижод қиладиган замонлар келди. Юртбошимизга раҳмат. Кексаларини хурматлаган юрт ҳеч қачон кам бўлмаган, бўлмайди ҳам”.

Саксонинчи довулдан ошган қашқадарёлик Хурсанд бобо билан сикатгоҳда танишдим. Ташдан қурган киши етмишдан ортиқ ёш бермайди. Ихчам, бунинг устига чаққон. Йигитлардек ҳар куни эр-талаб гимнастика билан шугулланади. Чирқочидан элик километр наридаги тоғли Тарағай қишлоғида туғилиб ўсган. Ҳар кунни эрталабки бадантарбия билан бошлайди. Бир куни қўлбола турникка осилиб, қимирламай қанча вақт турганини ичидан санаётганида кампирни қўриқиб кетиб, болаларига: “Отанг ўзини осяпти. Тезроқ келинглар”, деб хабар берган экан.

Хурсанд бобонинг гаплари худди вужуди каби тетик. Икки гапининг бирида “шукр” дейди, қолимайди. Жаббор бобо, Умар бобо, Ёрмахмат бобо, Бозор бобо, Хамроқул бобо, Эргаш бобо каби дўстларини эслаб, қизик-қизик гапларни айтади қулдиради. “Нолган одамларни ёқтирамайман, — дейди. — Кеча қандай яшаган экан, бугун қандай яшаймиз?! Ҳаммаси қўнғай равшан бўлиб турибдику. Яна нима керак? Дўқондан бир йилда бир марта “Экстра” деган туз сотиб олган вақтларимиз бўлган. Қолган вақтлар тош тузми майдалаб, элаб ишлатар эдик. Бугун дўқонга кирган кишининг боши айланган кетади. Йўлларни айтинг. 1987 йили сўт ташийдиган шофёр машинасини йўлга кўндаланг қўйиб, тўйга ош егани кириб кетган экан. Шу пайт вилотнинг уша пайтадиги раҳбарни келиб қўлиб, машина йўлдан ўтмоғли қўлибди. Шу воқеа бахона йўлимиз яшилганми... Шавкат Мирзиёев даврида Тарағайда одамлар учун кўп кулайликлар яратилди. Ниҳоят яшилмайверайди, ҳаётимиз бундан ҳам яхши бўлади...”

Жиззахлик табаррук ёшли Суйима момонинг ҳикояси сира ёдимдан чиқмайди: “Ай, болам-ай, сизга нимани гапириб берсам экан-а? Нима иш қилгансиз, дейсизми? Э, биз қилмаган иш қолмаган. Урушнинг оғир юки бошимизга, доғи кўксимизга тушган. Ҳасан-Хусан, Саид, Бекжўра акаларим, Усмон тоғам фронтга кетди. Биргина Хусан қайтиб келди. Ҳали-ҳали уларни кутаман. Улмаган бўлса, одам деган бир кунни элга қайтади-да, шундай эмасми? Тоғларга тикилиб ўтириб, ҳаёл қиламан: акаларим омон бўлишса, бола-чақалари билан вертолётда келиб қолса, қаерга қўнар экан-а, қўнадиган жой бормикан-а, дея уёқ-бўёққа қарайман. Армоним-да, болам. Дуо қилаверайлик. Қўнлуғ, табаррук замон келди-я. Ўшагинг келади. Набираларим ҳайҳайламаса, белгимни маҳкам боғлаб, далага чиқиб кетсам, экин-тикиннинг бошида турсам, дейман. Майли, тинчлик, омонлик бўлсин. Бизни эъзоз қилганларни Аллоҳимнинг ўзи эъзозласин...”

Ён дафтаридаги бир ёзувни тақоррор-тақоррор ўқийман: “Ёмғир билан ер, дуо билан оқ кўради...”



бўтунлай йироқ тутдилар. Шунинг учун халқда уйғониш, фикрий очилиш бўлмади. Давлатнинг инқирози, миллатнинг онгсизлигига шу жоҳиллар сабабчидур”. Тарихдан маълумки, ҳар бир раҳбар, у дунёнинг қайси мамлакатида бўлмасин, ўз фаолиятини ислохотлардан бошлайди. Аммо биргина ниҳатинг ёки қарор қабул қилишнинг ўзи билан иш битмайди. Шу боис, кўп режалар қозғ-

гин-барот жанглари, аёвсиз босқинчилик каби иллатлар адоғига етган минг йилликда қолиб кетади, одамзод янги асрга руҳан покланиб, қомилликка интилган ҳолда ўтади, она заминини, сув ва ҳавонини, бошига соябон бўлиб турган беғубор осмонни асраб-авайлайди, деб ўйлаган эди.

Таассуфки, бундай бўлмади. Дунё мураккаблашиб бормоқда, инсон ўзи

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАГАН ЎЗБЕК АЛФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфдик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1246.
43301 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Хайридинмурод Абулфайзов
Мусахҳас: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй